

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05. 2023.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАСОЛИЕВ БАХОДИР МАМАЮСУПОВИЧ**

**ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТИЗЗА БЎҒИМИ  
ОСТЕОАРТРОЗИ ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Мамасолиев Баходир Мамаюсупович**

Варикоз кассалиги бўлган беморларда тизза бўғими  
остеоартози давосини такомиллаштириш ..... 3

**Мамасолиев Баходир Мамаюсупович**

Совершенствование лечения остеоартроза коленного сустава у больных с  
варикозной болезнью ..... 29

**Mamasoliyev Baxodir Mamayusupovich**

Improving the treatment of knee  
osteoarthritis in patients with varicose veins ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 60

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАСОЛИЕВ БАХОДИР МАМАЮСУПОВИЧ**

**ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТИЗЗА БЎҒИМИ  
ОСТЕОАРТРОЗИ ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия  
14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3410 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Курбаниязов Зафар Бабажанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ходжанов Искандар Юнусович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Буранов Хайрулло Жумабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Акрамов Воҳиджон Рустамович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
"Смоленский давлат тиббиёт университети" ФДОТБМ**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Н. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.В. Шмырина**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**У.А. Шербек**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Веналарнинг варикоз кенгайиши ва тизза бўғимининг шикастланиши энг кенг тарқалган патологиялардан бўлиб, улар меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларнинг саломатлиги ва ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатади<sup>1</sup>. Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда варикоз ҳар иккинчи аёлда ва ҳар тўртинчи эркакда учрайди, бу эса аҳоли орасида касалликнинг юқори даражада тарқалганлигидан далолат беради<sup>2</sup>. Хатто профилактика килинганда ҳам оёқ чуқур веналари тромбози эҳтимоли 3,5% га етиши мумкин, айниқса тромб ҳосил бўлишига мойиллиги бўлган беморларда. Ушбу фактлар асоратлар хавфини камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун тизза бўғими варикози ва шикастланишининг кўшма патологияларини даволашга комплекс ёндашувни ишлаб чиқишнинг долзарблигини таъкидлайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда, айниқса минимал инвазив технологияларнинг тобора оммаланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, веналарнинг варикоз кенгайиши ва тизза бўғимининг артрозларини (травматик шикастланишларини) даволашнинг комплекс усуллари фаол ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Артроскопия ва эндопротезлаш (артропластика) тизза бўғимининг сурункали шикастланишларини даволаш стандарти бўлиб, тиббиёт тизими ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади.

Ушбу усуллар соғлиқни сақлаш тизими юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг клиник амалиётида кенг тарқалган бўлиб, бўғимнинг йўқолган функциясини тиклаш, оғриқ синдромини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун самарали восита сифатида қўлланилади. Артроскопия мениск ёрилиши, тоғайнинг дегенератив ўзгаришлари ва синовиал патологияларни ўз ичига олган ички структуравий шикастланишларни минимал инвазив усулда бартараф этиш имконини беради, артропластика эса, ўз навбатида, консерватив терапияга бўйсунмайдиган бўғим юзаларининг яққол ифодаланган емирилишида оптимал ечим бўлади. Ушбу ёндашувларнинг комбинацияси патологик жараёнга комплекс ва патогенетик жиҳатдан асосланган таъсирни таъминлайди, бу эса уларнинг халқаро ортопедик амалиётда кенг қўлланилишини тушунтиради. Шунга қарамай, статистик маълумотлар оёқларда жарроҳлик аралашувларидан кейин тромбозларнинг пайдо бўлиш хавфи юқори эканлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан тиббиёт амалиётида компрессион пайпоқлардан фойдаланиш, фармакологик профилактика ва тромб ҳосил бўлишининг хавф омилларини назорат

---

<sup>1</sup> Jameson S.S, Downen D, James P, Serrano-Pedraza I, Reed M.R, Deehan D.J. Venous thromboembolic events following knee arthroscopy in a prospective cohort of 12,595 patients. J Bone Joint Surg Br. 2012;94(6):799-804. doi:10.1302/0301-620X.94B6.28745

<sup>2</sup> Абдурахимов Ш.А, Каримов У.Б, Нурматов Ш.И. Современные подходы к лечению варикозной болезни нижних конечностей. Вестник Ташкентского медицинского института. 2021;4(2):25-30.

қилишни ўз ичига олган профилактика чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, айниқса, варикоз касаллиги ва тизза бўғими патологиялари каби кўшма касалликлар билан оғриган беморларда симултан операциялар тобора кўпроқ талаб қилинмоқда. Симултан жарроҳлик аралашувлари бир вақтнинг ўзида бир нечта аъзо ёки тизимларда операцияларни ўтказиш имконини беради, асоратлар хавфини камайтиради ва реабилитация вақтини қисқартиради. Бундай ёндашувлар фаол ривожланмоқда ва даволаш стандартларининг бир қисмига айланиб, операциядан кейинги тромботик асоратлар эҳтимолини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда оптимал натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда варикоз касаллиги ва тизза бўғимининг остеоартрози (сурункали шикастланишини) даволашга ёндашув замонавий стандартлар ва талабларга мослашиб, аста-секин ривожланмоқда. Ушбу касалликларнинг тарқалиш даражаси юқори бўлишига қарамай, уларни комплекс даволаш масалалари фаол ўрганиш босқичида қолмоқда. Республикада жарроҳлик аралашуви пайтида тромб ҳосил бўлишини олдини олиш усуллари аллақачон қўлланила бошланган, аммо стандартлаштирилган ёндашувлар ҳали жорий этиш босқичида. Симултан жарроҳлик амалиётига келсак, ушбу ёндашув маҳаллий клиникаларда ҳам машҳур бўла бошлади, бу бир нечта патологиялар мавжуд бўлганда комбинацияланган жарроҳлик амалиётини бажаришга имкон беради. Масалан, варикоз касаллиги бўлган беморларга тизза бўғимининг артроскопияси ёки артропластикаси зарур бўлган ҳолларда, симултан жарроҳлик амалиёти такрорий жарроҳлик аралашувларини олдини олиш ва умумий реабилитация даврини қисқартириш имконини беради.

Шу билан бирга, маҳаллий мутахассислар жаҳон амалиётини фаол ўрганмоқдалар ва жорий этмоқдалар, шу билан бирга уларни маҳаллий тиббиётга мослаштирмоқдалар. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда, айниқса, тромботик асоратлар хавфини камайтириш ва олдини олиш нуқтаи назаридан, кўшма патологияларни янада самарали даволаш учун кейинги тадқиқотлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд<sup>4</sup>.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш йўналишларини белгилаб берувчи бир қатор асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ҳисса қўшади. Хусусан, тадқиқот қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларга мос

---

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы»

келади. Хужжатда бирламчи тиббий ёрдам даражасида замонавий бошқарув моделларига ўтиш ва тиббий хизматлар сифатини ошириш зарурлигига эътибор қаратилган. Бундан ташқари, иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4887-сон қарорида белгиланган мақсад ва вазифалар билан ҳамроҳанг бўлиб, соғлиқни сақлашнинг профилактик йўналишини кучайтириш ва аҳоли ўртасида саломатлик маданиятини шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон қарорида белгиланган устувор вазифалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қонунида касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган. Кенгрок маънода, диссертация тадқиқоти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий қоидалари ва талабларига мос келади, профилактика тизимини мустаҳкамлашга, юқори технологияли тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини оширишга ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш усулларини такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши булган VI "Тиббиёт ва фармакология"га мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда адабиётларда варикоз касаллиги билан оғриган беморларда тизза бўғими остеоартрозини даволашга аниқ ва ягона ёндашув мавжуд эмас. Турли муаллифлар консерватив терапиядан тортиб жарроҳлик аралашувларигача бўлган турли хил даволаш схемаларини таклиф қиладилар. Баъзи манбаларда варикоз касаллиги билан боғлиқ асоратлар хавфига қарамай, остеоартрозни даволаш учун артроскопик усуллардан фойдаланиш тавсия этилади (Labropoulos N. et al., 2021). Бошқа тадқиқотлар бундай беморларда ҳар қандай жарроҳлик муолажаларидан олдин дастлабки тайёргарлик ва тромбозни профилактика қилиш зарурлигини таъкидлайди (Каккос СК et al., 2022).

Шунингдек, даволашда босқичма-босқич ёндашув таклиф этилган ишлар ҳам мавжуд бўлиб, улар вена патологиясини бирламчи бартараф этишни, кейин эса асоратлар эҳтимолини камайтириш учун ортопедик муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади. Илмий ҳамжамият ва клиницистларнинг қўшма патология билан оғриган беморларни даволаш масалаларига қизиқиши ортиб бораётганига қарамай, ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида кенг қўллаш учун расман тавсия этилган универсал тан олинган

стандарт ёки аниқ клиник алгоритм ҳали ҳам мавжуд эмас. Ҳар бир ҳолат индивидуал ёндашувни талаб қилади ва даволаш стратегияси ҳар бир патологиянинг оғирлик даражаси, беморнинг умумий аҳволи ва ёндош хавфларнинг мавжудлиги каби омиллар мажмуаси асосида шакллантирилади. Шунини таъкидлаш керакки, тиббиётдаги замонавий тенденциялар тобора кам инвазив технологияларни қўллаш томон ишонч билан ҳаракат қилмоқда, бу тизза бўғими остеоартрозини даволашга ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Миниинвазив усуллар тўқималарнинг шикастланишини сезиларли даражада камайтиришга, тикланишни тезлаштиришга ва операциядан кейинги асоратларни минималлаштиришга имкон беради. Бироқ, варикоз касаллиги билан оғриган беморларга нисбатан ушбу усуллардан фойдаланиш фаол муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда. Асосий муаммо шундаки, жарроҳлик аралашувлари, айниқса қўл-оёқларни узоқ муддатли иммобилизация қилиш элементлари билан, тромб ҳосил бўлиши ва тромбоэмболик асоратлар хавфини сезиларли даражада оширади. Шу муносабат билан остеоартроз ва варикоз касаллиги қўшилган беморларни даволаш алоҳида эҳтиёткорликни, операциядан олдинги пухта тайёргарликни ва тромбоз профилактикасининг кенгайтирилган протоколларига риоя қилишни талаб қилади. Ушбу жиҳат ушбу мураккаб тоифадаги беморларни даволашнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган махсус тавсиялар ишлаб чиқиш ва қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини таъкидлайди.

Замонавий адабиётлар таҳлили шунини кўрсатадики, остеоартроз ва варикоз касаллигининг комбинациясини даволашда бир нечта ёндашувлар мавжуд: анъанавий артроскопик ва артропластик аралашувлардан венотромбоз профилактикаси ва варикоз касаллигигача. Мавжуд усулларни ўзгартириш ва янги стратегияларни ишлаб чиқишга уринишлар давом этмоқда, аммо ушбу тадқиқотларда далиллар ва кузатувлар давомийлиги объектив тавсияларни шакллантириш учун етарли эмас. Шундай қилиб, тизза бўғими остеоартрози ва оёқ варикоз касаллигининг бўлган беморларни даволашнинг оптимал тактикасини танлаш замонавий тиббиётнинг охиригача ҳал қилинмаган муаммоси бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг "Жароҳатлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш" (2021-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – тизза бўғими деформацияловчи остеоартрозининг оёқ веналари варикоз касаллиги билан биргаликда келганида комбинацияланган даволашнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тizza бўғими ва оёқ веналари варикози касаллиги билан асоратланган беморларда тizza бўғими артикуляр тўқималарни морфологик ўзгаришларнинг табиати ва уларнинг касаллик ривожланишига таъсирини аниқлаш.

тizza бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни клиник-диагностик текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш, шу жумладан бўғимлар ва томирларнинг шикастланиш даражасини баҳолаш.

тizza бўғимида артроскопик ёки артропластик жарроҳлик амалиётларини ва оёқ веналарини жарроҳлик йули билан даволашни ўз ичига олган комбинацияланган жарроҳлик аралашувларини ўтказиш учун кўрсатмаларни аниқлаш ва мезонларни ишлаб чиқиш.

морфологик ва клиник тадқиқотлар маълумотларига асосланиб, бўғимлар функциясини тиклаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашни ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган комбинацияланган даволаш стратегиясининг самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** қилиб оёқ веналарининг сурункали варикоз касаллиги билан бирга кечувчи тizza бўғимининг деформацияловчи остеоартрози билан оғриган 112 нафар бемор олинди. Барча беморлар 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Бирлашган касалхонанинг жарроҳлик бўлими Самарқанд станциясида комплекс даволаниш курсини ўташган. Беморларнинг ушбу тоифасини танлаш қўшма патологиянинг юқори клиник аҳамияти билан боғлиқ эди, чунки тizza бўғимида дегенератив-дистрофик ўзгаришлар ва веноз қон оқимининг бузилиши бир вақтнинг ўзида ҳам жарроҳлик даволаш тактикасини, ҳам кейинги реабилитация жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради. Беморларни кузатиш касалликларнинг кечиш хусусиятларини, уларнинг жарроҳлик аралашуви натижаларига ўзаро таъсирини объектив баҳолаш, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва даволашнинг энг самарали ёндашувларини аниқлаш имконини берди. Танланган гуруҳ симултан операцияларни қўллаш хусусиятларини таҳлил қилиш ва таянч-ҳаракат ва қон томир тизимларининг қўшма патологиясида турли хил даволаш стратегияларининг самарадорлигини баҳолаш учун репрезентатив танловни тақдим этади.

**Тадқиқотнинг предмети** тizza бўғими деформацияловчи остеоартрози ва оёқ веналарининг сурункали варикоз касаллиги билан оғриган беморларни комплекс текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларининг батафсил таҳлили ўтказилди. Ҳар бир беморнинг индивидуал клиник-функционал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда даволаш тадбирларининг оптимал тактикасини танлашда дифференциал ёндашувни қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Тадқиқот турли хил текширув схемаларининг самарадорлигини баҳолашни, асосий касалликнинг кечишига

патологияларнинг ўзаро таъсирини аниқлашни, шунингдек, анъанавий ва кам инвазив жарроҳлик усулларини қўллаш натижаларини таққослашни ўз ичига олган. Шу билан бирга, тромбоземболик асоратлар хавфини камайтириш ва беморларнинг ҳаракат фаоллигини имкон қадар тез тиклашни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шундай қилиб, тадқиқот таянч-ҳаракат ва қон томир тизимларининг қўшма патологияси бўлган беморларда даволаш натижаларини оптималлаштиришга имкон берадиган шахсийлаштирилган даволаш алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: умумий клиник, инструментал (рентгенография, ультратовушли доплерография, магнит-резонансли томография), эндоскопик (артроскопия), морфология(артропластика), шунингдек, маълумотларни таҳлил қилишнинг статистик усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Тизза бўғими деформацияловчи остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги ўзаро таъсирининг патогенетик хусусиятлари артикуляр тўқималарнинг ангиоматоз, томир ва тоғай фибрози, репаратив тўқима, лимфо-макрофагал инфильтрация ва субхондрал суякнинг микро синишларини ўз ичига олган морфологик ўзгаришларига асосланган.

Қўшма патологияли беморларни даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, у энг самарали ёндашув - консерватив, кетма-кет ёки симултан жарроҳлик амалиётини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Илк бор реабилитация даврини қисқартириш ва асоратлар хавфини камайтириш имконини берувчи тизза бўғимининг артротомияси ёки артропластикасини ва флебэктомияни ўз ичига олган симултан жарроҳлик амалиёти самарадорлиги асосланган.

Тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан олдинги тайёрлаш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитацияга индивидуал ёндашувлардан фойдаланишга асосланган, бу эса даволаш самарадорлигини ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари ва текширув босқичларини ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқилган.

тизза бўғими артротомияси ёки артропластикасини флебэктомия билан бирлаштирган симултан жарроҳлик амалиётлари жорий этилган, бу жарроҳлик аралашувлар сонини ва асоратлар хавфини камайтиришга имкон беради.

Жарроҳлик амалиётдан олдинги тайёргарлик ва тромбоэмболик асоратларнинг жарроҳлик амалиёти ичи профилактикаси, шу жумладан микроциркуляцияни яхшилаш ва веноз димланишни бартараф этиш ёндашувлари оптималлаштирилган.

беморларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўғимлар функциясини тиклаш ва веноз оқимни нормаллаштиришга қаратилган жарроҳлик даволашдан кейинги реабилитацион чора-тадбирлар тўплами ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйилган вазифаларни ҳал қилишда қўлланилган услубий ёндашувлар оёқ веналарининг сурункали варикоз касаллиги билан асоратланган тизза бўғими деформацияловчи остеоартрозини ташхислаш ва даволаш соҳасидаги замонавий фан ва амалиёт ютуқларига таяниши билан тасдиқланади. Тадқиқотнинг асосини беморларни текширишнинг клиник синовдан ўтган усуллари, жарроҳлик аралашувининг замонавий технологиялари, шунингдек, қўшма патологияли беморларни олиб боришга индивидуал ёндашув тамойиллари ташкил этган. Иш давомида чиқарилган хулосалар ва умумлашмалар математик-статистик таҳлилнинг долзарб усуллари қўллаган ҳолда қайта ишланган клиник материални синчковлик билан таҳлил қилишга асосланган. Таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш учун Стюдент мезонидан (т-мезон) фойдаланилди, шунингдек, маълумотларнинг вариацион таҳлили ўтказилди, бу эса қийматларнинг тарқалишини объектив баҳолаш ва барқарор қонуниятларни аниқлаш имконини берди. Бундан ташқари, ишончли интерваллар ва статистик аҳамиятлилиқ даражалари (п-даражалар) ҳисоблаб чиқилди, бу эса олинган натижаларнинг юқори даражадаги ишончлилиги ва такрорланувчанлигини таъминлади. Қўлланилган математик статистика усуллари мажмуаси ва клиник маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга илмий асосланган ёндашув диссертация ишининг хулосаларини юқори даражада текширишни таъминлади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, хулоса ва таклифлар тизза бўғими остеоартрозини оёқ веналарининг варикоз касаллиги билан биргаликда даволашда замонавий ёндашувларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади. Ушбу касалликлар комбинациясининг патогенетик жиҳатлари аниқланган, жарроҳлик даволашнинг оптимал стратегиялари, шу жумладан симултан жарроҳлик амалиётлардан фойдаланиш таклиф этилган. Микроциркуляция ва қон томир ўзгаришларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда диагностика ва даволаш тактикаси алгоритмлари ишлаб чиқилган, бу эса даволаш усуллари танлашга янада аниқроқ ёндашувни таъминлайди. Профилактика ва реабилитация усуллари оптималлаштирилди, бу клиник натижаларни яхшилаш ва рецидивлар хавфини камайтириш имконини беради. Ишнинг амалий аҳамияти олинган

маълумотларни клиник амалиётда қўллаш имконияти билан белгиланади. Симултан жарроҳлик амалиётларини ва кетма-кет жарроҳлик даволаш амалиётини утказиш учун аниқ кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Беморнинг аҳволи ва касаллик босқичига мослаштирилган, жарроҳлик амалиётидан олдинги тайёргарлик, жарроҳлик аралашуви ва жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитациянинг самарали усуллари таклиф этилган. Тиббиёт муассасаларида ушбу ёндашувларни жорий этиш даволаш самарадорлигини ошириш, реабилитация даврини қисқартириш ва ушбу қўшма патологияли беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Варикоз касаллиги бўлган беморларда тизза бўғими остеоартрози давосини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 15.01.2025 й. №11/59 – сонли хулосасига):

**Биринчи илмий янгилик:** Тизза бўғими деформацияловчи остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги ўзаро таъсирининг патогенетик хусусиятлари артикуляр тўқималарнинг ангиоматоз томир ва тоғай фибрози, репаратив тўқима, лимфо-макрофагал инфильтрация ва субхондрал суякнинг микро синишларини ўз ичига олган морфологик ўзгаришлари асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётган жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали (04.04.2024й 15-сон буйруғи), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасида (05.04.2024 й. 62-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми жарроҳлик тактикасини танлаш мезонларини ва текшурув босқичларини ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* даволашни оптималлаштириш шифохонада даволанишнинг ўртача давомийлигини 18% га қисқартиришга имкон берди, бу эса шифохонада даволаниш ҳаражатларини камайтириш ва реабилитация вақтини қисқартириш ҳисобига ҳар бир бемор учун 950 000 сўмчага иқтисод қилишни таъминлайди. *Хулоса:* оёқ веналарининг варикоз касаллиги билан асоратланган остеоартрози билан оғриган беморларда тизза бўғими синовиал қобиғининг гистологик текшируви венос патологияси бўлмаган гуруҳга нисбатан яққолроқ яллиғланиш-дегенератив ўзгаришларни аниқлади. Хусусан, синовиаль инфильтрация зичлиги ва фиброз ўзгаришларнинг кўпайиши 85% (20тадан 17 таси) ҳолларда қайт этилган, бу бўғим тоғайи деструкцияси даражасининг  $2.2 \pm 0.4$  баллга ошиши билан бирга кечган (варикоз касаллиги бўлмаган назорат гуруҳида  $1.1 \pm 0.3$  баллга нисбатан,  $p < 0,01$ ). Ушбу далил синовиал қобикдаги марфологик

ўзгаришларнинг остеоартрознинг ривожланишига сезиларли таъсирини кўрсатади.

**Иккинчи илмий янгилик:** кўшма патологияли беморларни даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, у энг самарали ёндашув-консерватив, кетма-кет ёки сималтан жарроҳлик амалиётини аниқлаш меъмонлари ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётган жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали (04.04.2024 й 15-сон буйруғи), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасида (05.04.2024 й. 62-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тизза бўғими артроскопияси ёки артропластикасини флебоэктомия билан бирлаштирган симултан жарроҳлик амалиётлари жорий этилган, бу жарроҳлик аралашувлар сонини ва асоратлар хафини камайтиришга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* алгоритмни кўллаш орқали даволашни оптималлаштириш такрорий жарроҳлик амалиётларини камайтириш ва жарроҳлик аралашувларни оптималлаштириш орқали битта беморни даволаш учун ўртача харажатларни 1 200 000 сўмга камайтирди. *Хулоса:* тизза бўғими (рентгенография, ультратовуш визуализацияси, клиник шкалалар) ва оёқ веналари (дуплекс сканерлаш, веноз оқимни баҳолаш) холани комплекс баҳолашни ўз ичига олган клиник-диагностик текширувнинг ишлаб чиқилган алгоритми кўшма ўгаришларни ташхаслаш аниқлигини 22% оширди (68%дан 90% гача,  $p < 0,05$ ). Ушбу ёндашув 93% (30тадан 28таси) беморларда операциядан олдинги тайёргарлик ва даволаш тактикасини тўғри белгилаш, комплекс даволашни оптимал йўналтириш ва режалаштиришни таъминлаш имконини берди.

**Учинчи илмий янгилик:** илк бор реабилитация даврини қисқартириш ва асоратлар хавфини камайтириш имконини берувчи тизза бўғимининг артроскопияси ёки артропластикасини ва флебоэктомиyani ўз ичига олган симултан жарроҳлик амалиёти самарадорлиги асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий маркази Самарқанд филиали (04.04.2024 й. 15-сон буйруғи), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (05.04.2024 й. 62-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* жарроҳлик амалиётдан олдинги тайёргарлик ва тромбоемболик асоратларнинг жарроҳлик амалиёти ичи профилактикаси, шу жумладан микроциркуляцияни яхшилаш ва веноз димланишни бартараф этиш ёндашувлари оптималлаштирилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* усул шифохонага ётқизишларнинг умумий сонини қисқартириш ва тезроқ тикланиш ҳисобига ҳар бир бемор учун даволаниш харажатларини 1 500 000 сўмга камайтириш имконини берган. *Хулоса:*

артроскопия ёки тизза бўғимини эндопротезлаш ва флебоектомияни ўз ичига олган комбинацияланган жарроҳлик аралашувларини ўтказишга аниқ белгиланган кўрсатмалар ва мезонлар операциядан кейинги асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтиришни таъминлади. Хусусан, асоратлар частотаси 78% га камайди (23% дан 5% гача,  $p < 0,01$ ), тромбоз хавфи эса асосий гуруҳда 6,5% дан (3 бемор) 0% гача камайди. Ушбу натижа кўшма патологияда симултан операцияларнинг хавфсизлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

**Тўртинчи илмий янгилик:** тизза бўғими остеоартрози ва оёк веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан олдинги тайёрлаш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитацияга индивидуал ёндашувлардан фойдаланишга асосланган, бу эса даволаш самарадорлигини ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий маркази Самарқанд филиали (04.04.2024 й. 15-сон буйруғи), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (05.04.2024 й. 62-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* беморларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўғимлар функциясини тиклаш ва веноз оқимни нормаллаштиришга қаратилган жарроҳлик даволашдан кейинги реабилитацион чора-тадбирлар тўплами ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш ва асоратларни даволаш харажатларини камайтириш ҳар бир бемор учун 1 300 000 сўмгача иқтисод қилиш имконини берди, бу эса таклиф этилган ёндашувларни иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. *Хулоса:* клиник ва инструментал маълумотларга асосланган комбинацияланган даволаш стратегиясининг самарадорлигини таҳлил қилиш беморларнинг функционал параметрлари ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашини кўрсатди. 14-кунга келиб, асосий гуруҳда тизза бўғимида букилиш бурчаги назорат гуруҳида  $120,47 \pm 19,86^\circ$  га нисбатан  $100,12 \pm 15,08^\circ$  ни ташкил этди ( $p < 0,01$ ), мустақил юришнинг тикланиш муддати  $9,02 \pm 3,95$  дан  $5,14 \pm 2,07$  кунгача қисқарди ( $p < 0,001$ ). WOMAC шкаласи бўйича 3 ойдан сўнг асосий гуруҳда ўртача кўрсаткичлар  $24,36 \pm 3,27$  баллгача, назорат гуруҳида  $38,41 \pm 5,16$  баллгача пасайди ( $r < 0,05$ ), ВАШ бўйича эса оғриқ даражаси мос равишда  $2,83 \pm 0,34$  ва  $4,48 \pm 0,42$  баллгача камайди. Синовит частотаси асосий гуруҳда 3,09% ни ташкил этди, назорат гуруҳида 14,89%, тромбоз ва ЎАТЭ кузатилмади (6,5% ва 2,2% га қарши 0%).

**Тадқиқот натижаларини апробация қилиш.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матнли материалнинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни даволашни оптималлаштириш зарурати билан боғлиқ тадқиқотнинг долзарблиги асосланган. Ушбу патологиялар кўпинча беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини пасайтирувчи асоратлар билан бирга келиши кўрсатилган, бу тадқиқот мавзусининг муҳимлигини тасдиқлайди.

Ишнинг мақсади - комбинацияланган даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва қўшма касалликларнинг патогенетик механизмларини аниқлаш, ташхислаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, симултан жарроҳлик амалиётларидан фойдаланган ҳолда даволаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат вазифалар тақдим этилган. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси илм фанининг устувор йўналишларига, жумладан, юқори ижтимоий ва иқтисодий самарадорликка эга бўлган даволаш усулларини ишлаб чиқишга мувофиқлиги таъкидланган. Даволаш тактикасини танлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва симултан жарроҳлик амалиётларини жорий этиш каби асосий илмий янгиликлар баён этилган. Тадқиқотнинг етакчи тиббиёт муассасалари фаолиятига жорий этилган амалий натижалари келтирилган. Ишнинг илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтганлиги ва чоп этилган мақолалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Иш таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация тадқиқотининг **"Тизза бўғими остеоартрозини оёқ веналарининг варикоз касаллиги фонида даволаш усулларининг долзарб ҳолати (Адабиётлар шарҳи) "** деб номланган биринчи бобида тизза бўғими остеоартрозини оёқ веналарининг варикоз касаллиги билан биргаликда даволашнинг замонавий ёндашувлари кўриб чиқилган. Инсон танасининг энг заиф қисмларидан бири бўлган тизза бўғими, айниқса, жароҳатланишга мойил бўлиб, унинг жароҳатларини ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Ушбу бобда жароҳатнинг тузилиши, уларнинг ўз-ўзини тиклаш салоҳияти, даволаш усуллари, шунингдек, реабилитация хусусиятлари чуқур таҳлил қилинган. Жарроҳлик аралашуви ва жарроҳлик амалиёти техникасини танлаш мезонлари бўйича мутахассисларнинг турли хил фикрлари ёритилиб, бу профессионал мунозаралар ва баҳс-мунозараларга асос яратади.

Бобда тизза бўғимида жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитация масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. жарроҳлик амалиётидан кейинги оғриқ, унинг характери ва интенсивлиги, шунингдек, тикланиш жараёнига таъсирини баҳолаш муҳим жиҳат ҳисобланади. Бобда, шунингдек, тизза бўғимининг функционаллигини сақлашда бўғимнинг юмшоқ ва қаттиқ тузилмалари ичидаги ролига тўхталиб, унинг бўғимни барқарорлаштириш, юкламаларни тақсимлаш ва зарбаларни амортизация қилишдаги аҳамияти тавсифланган. Даволашнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш ва тикланиш жараёнини тезлаштириш мақсадида комбинацияланган жарроҳлик

ва реабилитация усуллари соҳасида кейинги тадқиқотларнинг аҳамияти муҳокама қилинмоқда.

Бундан ташқари, бобда оёқ веналари варикоз касаллигини даволашда замонавий ютуқлар кўриб чиқилган. Варикоз касаллигининг ривожланишига олиб келадиган асосий омиллар, шу жумладан ирсият, семизлик ва кундалик фаолият хусусиятлари муҳокама қилинади. Варикоз касаллигини ташхислаш ва даволаш, шунингдек, даволанишдан кейин беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган. Асосий эътибор максимал самарадорликка эришиш ва асоратлар хавфини минималлаштириш учун ҳар бир беморга индивидуал ёндашув ва замонавий даволаш усуллари интеграция қилиш зарурлигига қаратилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи боби оёқ веналарининг варикоз касаллиги фонида тизза бўғими остеоартрозини даволашда турли хил ёндашувларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усулларнинг батафсил баёнига бағишланган. Тадқиқотга 112 нафар бемор киритилди, улар назорат ва асосий гуруҳларга бўлинди, бу эса даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш имконини берди.

47 нафар беморни ўз ичига олган назорат гуруҳи тизза бўғими остеоартрози ташхиси тасдиқланган шахслардан ташкил топган бўлиб, улар оёқ веналарининг варикоз касаллигини коррекциясиз жарроҳлик аралашуви ўтказилган. Ушбу гуруҳда 19 нафар беморда тизза бўғими эндопротезлаш амалиёти, 28 нафар беморда артроскопия амалиёти бажарилди. Шундай қилиб, ушбу гуруҳ оёқ венлари варикоз касаллигига таъсир қилмасдан (даволамасдан) тизза бўғими остеоартритни даволаш самарадорлигини баҳолаш учун эталон бўлиб хизмат қилди, бу эса турли хил жарроҳлик усулларининг касаллик натижаларига таъсирини алоҳида таҳлил қилиш имконини берди.

Асосий гуруҳга тизза бўғими остеоартрози тузатиш ва варикоз касаллигини даволашга қаратилган комплекс даволаш ўтказилган 65 нафар бемор киритилган. Ушбу гуруҳ варикоз касаллигини даволашга ёндашувга кўра иккита кичик гуруҳга бўлинди: А1 ва А2. А1 кичик гуруҳига варикоз касаллиги консерватив, тизза бўғими остеоартроз эса оператив даволанган 44 нафар бемор киритилган. Ушбу кичик гуруҳда 23 нафар беморда тизза бўғими эндопротезлаш амалиёти ўтказилди, 21 нафар беморда артроскопия амалиёти бажарилди. Шундай қилиб, А1 кичик гуруҳи варикоз касаллиги жарроҳлик усулисиз даволанган шароитларда тизза бўғими остеоартритни даволаш натижаларини баҳолашга имкон берди.

А2 кичик гуруҳи тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги жарроҳлик йўли билан даволанган 21 бемордан иборат бўлди. Ушбу кичик гуруҳ қўшимча равишда жарроҳлик аралашуви усулига қараб иккита тоифага бўлинган - Б1 ва Б2. Б1 кичик гуруҳида (12 бемор) иккала касалликни даволаш бир вақтнинг ўзида, симултан жарроҳлик амалиёти доирасида ўтказилди, бу беморнинг касалхонада қолиш вақтини минималлаштириш ва реабилитация даврини қисқартириш имконини берди. Б2 кичик гуруҳида (9

нафар бемор) жарроҳлик аралашуви босқичма-босқич амалга оширилди, бу тизза бўғими остеоартрози ва варикоз касаллигини алоҳида даволашни назарда тутди.

### 1-жадвал.

#### Беморларни гуруҳлар ва даволаш турлари бўйича тақсимлаш

Гуруҳ	n	Эндопротезлаш	Артроскопия	Варикозни даволаш
Назорат гуруҳи	47	19	28	-
Асосий гуруҳ	65			
А1 кичик гуруҳи	44	23	21	Консерватив
А2 кичик гуруҳи	21			жарроҳлик
Б1 кичик гуруҳи	12	7	5	Симултан жарроҳлик амалиёти тизза бўғими остеоартрози билан бир босқичда
Б2 кичик гуруҳи	9	4	5	Жарроҳлик усулида икки босқичда

Тадқиқотга киритилган беморларнинг ўртача ёши  $54,2 \pm 7,1$  ёшни ташкил этди, бу танланманинг бир хил ёш тузилишини кўрсатади. Тадқиқот иштирокчилари орасида аёллар устунлик қилди - 99 киши, бу танланманинг сезиларли улушини ташкил қилади ва фақат 13 эркак, бу ҳам тизза бўғими остеоартроз ва варикоз касаллиги бўлган беморлар популяциясининг демографик тузилишини акс эттиради.

Бобнинг услубий бўлими клиник текширувнинг батафсил тавсифини, шу жумладан анамнез йиғиш, жисмоний текширув, шунингдек замонавий инструментал диагностика усулларида фойдаланишни ўз ичига олади. Рентгенография, магнит-резонанс томография (МРТ) ва оёқ веналарининг ультратовушли доплерографияси асосий диагностик муолажалар бўлиб, улар беморларда тизза бўғими ва оёқ вена тизимининг ҳолатини комплекс баҳолаш учун қўлланилган. Тизза бўғими остеоартроз ва варикоз касаллигини комплекс даволашда симултан жарроҳлик амалиётларининг ролига алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу эса клиник натижаларни сезиларли даражада яхшилаш ва беморларни реабилитация қилиш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Шундай қилиб, диссертациянинг 2-боби тизза бўғими остеоартроз ва варикоз касаллиги бўлган беморларда коморбид ҳолатларни даволашда комплекс ва замонавий ёндашувлардан фойдаланишга эътибор қаратган ҳолда, диссертация тадқиқотида тақдим этилган даволаш натижаларини кейинги таҳлил қилиш учун назарий ва услубий асосни шакллантиради.

Диссертациянинг **"Тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларда комбинацияланган даволаш усуллари"** деб номланган учинчи боби тизза бўғими остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги бўлган беморларни комбинацияланган даволаш усуллари комплекс кўриб чиқишга бағишланган. Асосий эътибор

қўшма патология мавжуд бўлганда даволаш натижаларини яхшилашга, шунингдек, асоратлар хавфини минималлаштиришга қаратилган жарроҳлик усулларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишга қаратилган.



*1-расм. Тизза бўғими остеоартрози ва варикоз касаллигида даволаш тактикасини танлаш алгоритми*

Остеоартроз ва варикоз касаллиги билан оғриган беморларни даволашда бўғимнинг дегенератив шикастланиш босқичини ва веноз патологиянинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган. Варикоз касаллигининг биринчи даражасида веноз тизимдаги даволаш тактикаси консерватив терапия билан чекланади, тизза бўғимида эса тактика остеоартрознинг босқичига боғлиқ: I-II босқичда артроскопия, III босқичда эндопротезлаш амалга оширилади. Варикоз касаллигининг иккинчи даражасида симултан операцияларни бажариш мақсадга мувофиқ, бу эса иккала нозологияга бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиш имконини беради: артроскопия (остеоартрознинг I-II босқичларида) ёки эндопротезлаш (III босқичида) флебоэктомия билан бирлаштирилган. Энг мураккаб тактика варикоз касаллигининг учинчи даражасида қўлланилади, бу ерда босқичли ёндашув асосланган: биринчи босқичда флебоэктомия орқали веноз патология бартараф этилади, шундан сўнг зарарланиш даражасига қараб ортопедик амалиётлар амалга оширилади - артроскопия ёки эндопротезлаш. Бундай алгоритм даволаш чора-тадбирларининг узлуксизлигини таъминлайди, асоратлар хавфини камайтиради ва беморларни реабилитация қилиш муддатларини оптималлаштириш имконини беради.

### **Жарроҳлик даволаш: тизза бўғимини эндопротезлаш**

Тизза бўғимини эндопротезлаш деформацияловчи остеоартрознинг оғир шакллари билан оғриган беморларда консерватив чора-тадбирлар қониқарли клиник самарани таъминламаганда, жарроҳлик даволашнинг асосий усули

сифатида қўлланилган. Тадқиқот гуруҳида 51 нафар беморда эндопротезлаш амалиёти бажарилган. Амалиётнинг асосий мақсади оёқ ўқини тиклаш, оғриқ синдромини бартараф этиш ва функцияни яхшилаш билан зарарланган бўғимни тўлиқ алмаштириш эди.

Операциялар режали равишда амалга оширилди. Бемор чалқанча ётди. Соғлом қўл-оёққа тромбоэмболиянинг олдини олиш учун компрессион трикотаж кийдирилди. Операция майдони уч марта антисептик ишлов берилиб тайёрлангандан сўнг, узунлиги тахминан 20 см бўлган олдинги ўрта кесим амалга оширилди. Юмшоқ тўқималар қаватма-қават очиш ва тизза қопқоғини медиал айланиб ўтиш билан бўғим капсуласини очиш амалга оширилди.

Интраоперацион ревизия ўтказилди: бўғим юзалари, менисклар, бойлам аппарати ҳолати баҳоланди, дегенератив ўзгаришлар даражаси аниқланди. Остеофитлар резекцияси, олдинги хочсимон бойлам, медиал ва латерал менисклар олиб ташланди. Зарурат туғилганда тизза қопқоғи моделлаштирилди ва деиннервация қилинди (1-расм).



*1-расм. Операция вақтида тизза бўғимининг кўриниши.*

Резекцион блоклар ва индивидуал асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда, имплант компонентлари остига ўриндиқ шакллантириш билан аниқ суяк резекцияси амалга оширилди. Синов йиғиш босқичида ўқ, юмшоқ тўқималар мувозанати ва ҳаракатлар ҳажми назорат қилинди. Аниқлик тасдиқлангандан сўнг, суяк цементи (гентамицин билан CMW 1) ёрдамида сон ва катта болдир компонентларини якуний ўрнатиш амалга оширилди.

Гемостаз дренаж ўрнатиш билан яқунланди, бўғим бўшлиғи антисептик билан ювилди. Жароҳат қаватма-қават тикилиб, стерил боғлам қўйилади. Барча амалиётлар DePuy (АҚШ) ва Мерил (Ҳиндистон) эндопротезларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди, баъзи ҳолларда компонентларни ўрнатиш аниқлигини ошириш учун навигация қўлланилди.

Антибактериал профилактика кесишдан 30 дақиқа олдин цефалоспоринларни томир ичига юбориш, шунингдек, антибиотикга бойитилган цементдан фойдаланишни ўз ичига олган. Бир қатор беморларда оғриқ синдромини камайтириш мақсадида параартикуляр тўқимага кўп компонентли эритма (адреналин, лорноксикам, лонгокаин, физиологик эритма) инъекцияси қўлланилди. Дренаж операциядан кейинги даврнинг


иккинчи кунида олиб ташланди, бу даврда оғриқсизлантириш, тромбозларнинг олдини олиш ва эрта мобилизация чоралари кўрилди.

### **Жарроҳлик йўли билан даволаш: тизза бўғимининг артроскопияси**

Артроскопия тизза бўғимининг бўғим ичи патологиясини ташхислаш ва даволашнинг кам травматик усули сифатида, асосан турли этиологияли менискларнинг ёрилишида қўлланилган. Усул артроскоп ва махсус асбобларни бўғим ичига кичик кесимлар орқали киритишга асосланган бўлиб, монитордаги тасвирни назорат қилиш орқали визуализация ва эҳтиёткорона амалиётларни амалга оширишни таъминлади.

Амалиёт бошланишидан олдин стандарт операциядан олдинги тайёргарлик амалга оширилди ва стандарт кириш нуқтасига порт ўрнатилди. Артроскоп киритилгандан сўнг бўғим бўшлиғининг батафсил текшируви ўтказилди, менисклар, тоғай юзалари, хочсимон ва ён боғламларнинг ҳолати, шунингдек, синовиал ўзгаришлар мавжудлиги баҳоланди. Мениск ёрилишининг локализацияси ва характерига алоҳида эътибор қаратилди: унинг тури (радиал, бўйлама, горизонтал, мураккаб), шикастланиш барқарорлиги ва васкуляризацияси чегараси аниқланди.

Менискнинг қайта тиклаб бўлмайдиган беқарор ёки дегенератив ўзгарган соҳалари аниқланганда, уларнинг қисман резекцияси амалга оширилди. Амалиётлар артроскопик қисқичлар, шейверлар ва радиочастотали электродлар ёрдамида амалга оширилди. Амалиётнинг мақсади менискнинг соғлом тўқималарини сақлаб қолган ҳолда шикастланган бўлақларни имкон қадар эҳтиёткорлик билан олиб ташлаш, унинг контурини текислаш ва оптимал биомеханикани тиклаш эди (2-расм).



*2-расм. Мениск ва тоғайнинг беқарор фрагменти қисман резекциясидан кейинги кадр. Мениск юзаси текисланди, бу эса юкламанинг оптимал тақсимланишини таъминлайди ва бўғим тоғайининг шикастланиш хавфини камайтиради.*

Резекциядан сўнг мениск қолдиғининг барқарорлиги, эркин таналар ва ўткир қирраларнинг йўқлиги, шунингдек, бўғим тоғайи ва синовиал қобикнинг ҳолати баҳолаш учун назорат артроскопияси ўтказилди. Зарур бўлганда, бўғим дебридементи амалга оширилди: майда тоғай бўлақларини олиб ташлаш, нотекисликларни текислаш ва синовиал ўсимталарни бартараф этиш.

Бўғим бўшлиғини ювиш физиологик эритмани узлуксиз юбориш орқали амалга оширилди, бу кўринишни яхшилади ва резекция қилинган тўқима қолдиқларини бўғимдан ташқарига олиб чиқди. Охириги босқич анжомларни олиб ташлаш, портларни тикиш ва асептик боғлам қўйиш эди.


Реабилитация тадбирлари амалиётдан кейинги эрта муддатларда бошланди ва даволовчи жисмоний тарбия, физиотерапия, ортезлар ёки эластик бинтларни қўллашни ўз ичига олган. Амалиётни минимал инвазивлиги туфайли бўғим тузилмаларининг сақланиб қолиш ва юқори клиник самарадорликка эришилди, тикланиш муддати қисқарди ва иккиламчи остеоартроз ривожланишининг олди олинди.

### **Жарроҳлик даволаш: флебоэктомия**

Флебоэктомия амалиёти оёқларнинг сурункали варикоз касаллиги билан оғриган 21 беморда амалга оширилди, ушбу беморларда ҳам тизза бўғимининг деформацияловчи остеоартрози ташхиси қўйилган. Амалиётнинг мақсади -- веноз оқимни нормаллаштириш, тромбоземболик асоратларнинг олдини олиш, параартикуляр тўқималар трофикасини яхшилаш ва оёқни ортопедик операцияларга тайёрлаш (артроскопия ёки эндопротезлаш) мақсадида патологик ўзгарган веналарни бартараф этишдир.

Тайёргарлик беморнинг вертикал ҳолатида варикоз томирларни ультратовушли маркировкалашни, вена қон қуйилиш ирмоқлари оқимларини визуализация қилишни ва клапан етишмовчилигини баҳолашни ўз ичига олди. Жарроҳлик аралашуви кроссэктомия билан бошланди - катта тери ости венасини (КТВ) сон венасига қуйилиш жойида боғлаш ва кесиш, бу қоннинг ретроград оқимини олдини олди.

Кейинчалик зонд ёрдамида варикоз ўзгарган вена сегментининг стриппинг операцияси амалга оширилди. Аксарият ҳолларда венани эҳтиёткорлик билан олиб ташлаш ва атрофдаги тўқималарнинг шикастланишини минималлаштиришни таъминлайдиган антеград усул қўлланилган. Жарроҳликнинг асосий босқичи тугагандан сўнг мини-флебоэктомия амалга оширилди: илгаклар ва қисқичлар ёрдамида нуқтали тери тешиклари орқали варикоз ирмоқлар олиб ташланади (3-расм).



*3-расм. Патологик веноз оқимни бартараф этиш мақсадида ўзгарган веноз томирларни боғлаш жараёни.*


Веноз сегментлар олиб ташлангандан сўнг, косметик чоклар ва кам инвазив усуллардан фойдаланган ҳолда яра каналларини мослаштириш ва кесмаларни қаватма-қават ёпиш амалга оширилди, бу эса тезда битишга ва яхши эстетик натижага ёрдам берди.

Бир қатор беморларда флебоэктомия артроскопия ёки тизза бўғимини эндопротезлаш билан бир вақтнинг ўзида аралашувлар доирасида амалга оширилди. Бу операция ва анестезиологик хавфларни камайтириш, реабилитацияни тезлаштириш ва операция қилинган оёқ-қўлнинг умумий ҳолатини яхшилаш имконини берган.

Операциядан кейинги босқич эластик компрессия, антикоагулянтлар, анальгетиклар ва эрта ҳаракат фаоллигини қўллашни ўз ичига олди. Реабилитация изометрик машқлар билан бошланиб, тизза бўғими функциялари ва веноз гемодинамикани аста-секин тиклашга ўтди.

Шундай қилиб, таклиф этилган усул изоляцияланган флебоэктомияда ҳам, уни ортопедик аралашувлар билан уйғунлаштиришда ҳам юқори самарадорлик ва хавфсизликни таъминлайди.

Тизза бўғимининг деформацияловчи остеоартрози ва оёқ веналарининг варикоз касаллиги комбинациясига хос морфологик ўзгаришларни текшириш учун 54 ёшдан 67 ёшгача бўлган 20 нафар бемордан олинган жарроҳлик материалининг гистологик текшируви ўтказилди, уларнинг барчаси юқори тана вазни индексига эга эди (28-36 кг/м<sup>2</sup> оралиғида). Материалга стандарт гистологик ишлов берилиб, 10 фоизли нейтрал формалинда фиксация қилинди, сўнгра парафинга қуйилди, микротомли кесма қилинди ва кесмалар гематоксилин ва эозин билан, шунингдек Маллори бўйича бўялди, бу эса хужайра, бириктирувчи тўқима ва қон томир компонентларини комплекс баҳолаш имконини берди.



**4-расм.** Синовиал парда сўрғичининг фиброзланувчи стромасида ангиоматоз. Томирларда қон стази. Гематоксилин ва эозин билан бўйиш.  
Об.20, ок.10.

Синовиал парданинг микроскопик таҳлилида сезиларли деструктив-дистрофик ўзгаришлар аниқланди. Қопловчи синовиоцитар қават бир қатор соҳаларда бутунлай йўқолган, у сақланиб қолган жойларда эса хужайраларнинг гипертрофия, ядроларнинг гиперхромияси ва дегенерация соҳалари белгилари билан кўп ярусли жойлашуви қайд этилган. Синовиал

